

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

ПРЕМЧАНДНИНГ “САТИ” ҲИКОЯСИНИНГ

БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ

мавзусидаги

КУРС ИШИ

Бажарди: 4 курс талабаси Юсупов З.

Қабул қилди: доц Ходжаева Т.А.

ТОШКЕНТ 2015

Р Е Ж А

I КИРИШ

II БОБ АСОСИЙ ҚИСМ. Премчанднинг хаёти ва ижоди

1.1. “Сати” ҳикоясининг бош ғояси

1.2. “Сати” ҳикоясининг образлар тизими

1.3 “Сати” ҳикоясида эр хотин муносабатлари

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Премчанд ижоди рус ва ўзбек шарқшунослигида ўрганилган бўлишига қармасдан унинг ҳали таржима қа таҳлил қилинмаган ҳикоялари талайгина. Мазкур курс ишида ёзувчининг оилавий масалага бағишланган “Сати” ҳикоямси биринчи марта ўзбек тилига таржима ва таҳлил қилинмоқда.

Курс ишининг *мақсад ва вазифалари* XX аср ҳинд адабиётининг таниқли ҳикоянавис ёзувчиси Премчанднинг ижоди ва унинг ҳали таржима қилинмаган “Сати” ҳикоясининг бадиий таҳлилини амалга оширишдан иборат.

Курс ишининг *манбаи сифатида* Премчанднинг урду тилидаги ҳали ўзбек ва рус тилларига таржима қилинмаган “Сати” ҳикояси олинган.

Курс иши мавзусининг янгилиги шундан иборатки, унда таниқли ҳинд ёзувчиси, ҳикоянависи Премчанднинг “Сати” номли ҳикоясини биринчи марта адабий таҳлилга тортиб, ҳикояда кўтарилган оила, эр-хотин муносабатлари, аёлнинг садоқати каби масалалар ёритиб берилмоқда.

Курс иши учун танлаб олинган ҳикояни таҳлил қилишда адабиётшунослик назарияси қонунлари асосида ёзувчининг ижоди, асарнинг ғоявий йўналиши, образлар ти

зими каби масалалар бадиий таҳлилга оид методологик ва назарий қарашларга таянилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Премчанднинг ҳаёти ва ижоди

Ҳиндистон заминидан асрлар давомида кўплаб машҳур ва атоқли сўз санъаткорлари етишиб чиққан. Бу халқнинг шоир ва адиблари томонидан яратилган асарлар Ҳиндистоннинг ўзидагина эмас, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам қадрланмоқда ва севиб ўқиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳинд адабиёти катта қизиқиш билан кузатиб борилади.

Янги ҳинд адабиёти XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб янгича шароит ва йўналишда ривожланиш йўлига кирди. Бунгача ҳинд адабиётида ҳам бошқа адабиётларга хос бўлган шеърят ҳукмрон эди. Янги ҳинд адабиёти даври бошланиши билан эса наср жонланиб, тез ривожлана борди ва XIX асрнинг ўрталарига келиб алоҳида йўналиш сифатида шаклланди. Ҳиндистонда ҳинд адабиёти XIX асрнинг охирларига келиб энг илғор ва етакчи адабиётлардан бирига айланди.

Ҳинд адабиётини юксак чўққиларга кўтариб, бутун дунёга танитган адиблардан бири кўп қиррали ва ниҳоятда бой ижод соҳиби Премчанддир.

Премчанд Ҳиндистондаги зиддиятларга бой бўлган даврда ҳиндий ва урду адабиётида танқидий реализм йўналишида ижод қилишни бошлаб берган адиб ҳисобланади.

Таниқли ҳинд ёзувчиси бизга Премчанд таҳаллуси билан маълум. Унинг асл исми Дҳанпатрай Шривастав. 1880 йилнинг 31 июлда Банорас яқинидаги Ламҳий қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси оддий почта ходими, онаси эса касалманд бўлгани сабабли уйда эди. Премчанд 7 ёшлигида онасидан, 15 ёшида эса отасидан айрилган.

Ёзувчи ҳаётининг илк давларида жуда кўп қийинчиликларга дуч келади. Қашшоқлик ва очлик унинг илм олишга бўлган иштиёқини енга олмайди. Жуда катта машаққат билан ўрта мактабни якунлайди. Узоқ муддат мактабда, сўнгра нашриётда фаолият кўрсатади. Бешафқат ҳаёт мактаби

унинг фикрларини равонлаштиради, аниқ мақсади томон олға юришга ундайди.

Премчанд дунёқарашига Гандининг таъсири кучли бўлган. Премчанд Гандида кўп йиллардан бери ўзи кутган инсонни кўради ва унга сидкидилдан эрганшади. Айниқса, Гандининг ватанпарварлиги, ўз халкига бўлган мухаббати, унинг учун жон беришга ҳам тайёрлиги Премчандни жуда ўзига ром қилган. Гандининг “куч ишалатмаслик” сиёсати, паст табақа вакилларининг ва аёлларнинг жамиятдаги ҳақ ҳуқуқини тиклаш ва барча билан уларни тенг кўриш ҳамда ҳиндулар ва мусулмонлар бирлигин таъминлаш каби ғоялари Премчанд дунёқарашига катта таъсир кўрсатган ва у ҳам Ганди йўлидан боради. Гандининг дин ва миллат инсон ўртасига низо солиши нотўғри эканлигини халқ онига сингдириш йўлидаги ғоялари нафақат Премчандни, балки оддий ҳинд халқининг ҳам эътиборини ўзига жалб қилди.

XX асрнинг 20-йилларида ҳинд-мусулмон бирлиги масаласи айна ривожланаётган пайтда гандизм ҳам бир сиёсий кураш ғояси сифатида халқ томонидан тан олинган эди. Бу даврда Ганди қишлоқма қишлоқ юриб халқ билан учрашиб, улар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борар эди. Горакхпурдаги шундай учрашувлардан бирида Премчанд ҳам қатнашган эди ва у ерда икки юз мингта одам тўпланганидан ҳайратда қолганини эслаб ўтган. Ганди –оёларига берилиб кетган Премчанд йигширма йил давомида ишлаб келган иш жойидан бўшайди ва

Премчанд XX асрнинг биринчи ва иккинчи ўн йилликларида миллий озодлик ҳаракатига ўзининг жуда катта ҳиссасини қўшган. Бу даврда миллий озодлик ҳаракатининг кенг ёйилиши, ҳиндулар ва мусулмонлар ўртасидаги курашнинг кучайиб бориши Премчанднинг гандизмга бўлган ишончини камайтира бошлайди. У озодлик учун тинч йўл билан эмас, кураш йўли билан эришиш керак деган хулосага кеалди фикрга келади. XX аср 30 йилларидаги асарларида шундай ғоялар кўтарилган. Жумладан, ҳикоялар тўплами ёки “Жанг майдони” романи бунга мисол бўлади.

Премчанднинг гандизмга бўлган танқидий қарашлари динга бўлган муносабатида кўзга ташланади. Ҳиндуизм дунёқарашида тарбияланган Премчанд қадимий диний анъаналарни тиклаш лозим деб ҳисоблаган. Унинг бундай қарашлари “Ватанга муҳаббат” асарида ўз аксини топган.

Кейинчалик одамлар ўртасида тенглик ўрнатилмагач, миллий-озодлик кураши кучайгач, ҳинд зиёлиларга юқори қатлам вакилларида босим кучая бориши билан Премчанд диннинг салбий томонларини сеза бошлайди ва дин инсон онгини ривожланишига тўсқинлик қиладиган бир ходиса эканлигини тушуна бошлайди. Премчанд халқ онгига чуқур кириб кетган диний дунёқарашга қарши бориш қийинлигини билиб, ўз асарларида унинг айрим салбий томонларини танқид остига олади ва маърифат йўлини кўрсатиша уринади.

Премчанд ўзининг ижодий йўлида (1880-1936) ҳам урду ҳам ҳиндий тилларини қўллаган. У ўзининг илк асарларини урду тилида ёзган. Улар кейинчалик “Созе Ватан” тўпламига кирган ватанпарварлик руҳидаги ҳикоялар эди. Ижодининг асосий мавзуси – ҳинд деҳқонларининг оғир ҳаёти, ҳуқуқи йўқ аёлнинг аҳволи – унинг ҳикоя ва романларида ўз аксини топган.

Премчанд бакалавр босқичини 1919 йилда муваффақиятли тамомлайди ва шундан сўнг у Горакхпур, Канпур, Банорас ва бошқа жойларга бориб ўқитувчилик қилади ва шу билан бирга умумий мактаблар бўйича инспектор ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлайди, унинг бу фаолияти халқни қандай ҳаёт кечираётганлигини ва уларни жуда ҳам ночор аҳволда кун кечираётганликларини ўз кўзи билан кўриш имкониятини беради ва бу ҳол унинг ҳаётига жуда катта таъсир кўрсатади. Чунки болалик йилларида унинг бошидан жуда кўп қийинчиликлар ўтган эди. Шу таассуротлар унинг бутун ҳаёти ва ижодига ўз таъсирини кўрсатади.

Премчанд ёшлигиданоқ урду тилида кичик-кичик ҳикоялар ёзиб адабиёт соҳасидаги ўз фаолиятини аста-секинлик билан бошлайди. У Кашмирдаги бир олийгоҳда ўқитувчи бўлиб ҳам ишлайди. Шу билан бир қаторда у вақти-вақти билан бир қанча хатларни ҳам таҳлил қила бошлайди.

Урду тилида у Навабрай тахаллуси билан ижод қилар эди. У 25 йиллик ҳаёти давомида бошидан ўтказган қийинчиликлари ва атроф-муҳитнинг таассуротлари ҳаётини, айниқса ижодий йўлини кескин ўзгартириб юборади. У ўз ижодини худди мана шу олган таассуротларидан бошлайди. Премчанд қишлоқ одамлари, уларнинг тақдири, аёл тақдири ва шунга ўхшаш муаммоларни ўз ижодининг асосий мавзуси қилиб олади.

Дҳанпатрайнинг илк ҳикояси 1907 йилда Ҳиндистоннинг "Замана" газетасида чоп этилган. Унинг илк тахаллуси Навабрай бўлган, аммо ҳикоялари сиёсий жиҳатдан хавфли ҳисобланиб, чоп этиш тақиқлаб қўйилган. Шундай бўлса-да, у ижод қилишни тўхтатмади ва Премчанд тахаллуси билан асарларини ёзишни давом эттиради.

Премчанд ижоди ўзбек ўқувчилари томонидан қизиқиб ўрганилади. Премчанд XX асрнинг реалист ёзувчиларидан, Ҳиндистон Миллий Озодлик Ҳаракати иштирокчиларидан эди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Премчанд ғоялари ўзбек жаҳидчилик ҳаракати намояндаларига яқин. У реализм ва танқидий реализм жанрида ҳиндий ва урду тилларида ижод қилган. Ёзувчи асарларидаги соддадил инсон образи, унинг ҳаётда чеккан машаққатлари ўзбек китобхонини бефарқ қолдирмайди. Асарларининг мавзуси асосан қишлоқ ҳаёт тарзи бўлиб, мақсади ҳўрланган, содда қишлоқ одамлари тасвири орқали миллат дардини очиқ бериш эди. Премчанд яратган образларни биз ўзбек деҳқонига ҳам ўхшатишимиз табиий, чунки меҳр-оқибат, бағрикенглик, соддалик тушунчалари қайси тилда янграмасин, қайси халқ мисолида талқин этилмасин, барча уни бирдек ҳис қила билади.

1936 йилнинг 8 октябрида 56 ёшда Премчанд вафот этди, унинг асарларида эса у мангу яшаб қолди.

Премчанд ижоди жуда бой ва сермахсулдир. Ёзувчи ижодий ҳаёти давомида 13та роман ва повесть, 300га яқин ҳикоялар ёзган.

Премчанднинг кўпгина роман, ҳикоя ва тўпламлари ўзбек тилига ҳиндий, урду ва рус тилидан ҳам таржима қилинган. Шунинг таъкидлаб ўтиш

жоизки, биз ёзувчининг жуда кўп асарларини асосан рус тилида ўқиганмиз. Уларни рус тилига М. Антонова, В. Балин, Ю. Лавриненко, И. Рабинович ва қатор таржимонлар ҳиндий ва урду тилларидан таржималар қилишган. Премчанднинг роман ва ҳикояларини ўзбек тилига Раҳмонберди Муҳаммаджонов, Амир Файзулло, Шариф Толипов каби таниқли таржимонлар таржима қилишган. Ҳозирги кунгача ёзувчининг "Қисмат" (урду тилида "Гўдан", 1962), "Нирмала" (1967), "Нажот" ("Ғабан", 1976), "Жанг майдони" (1985), "Фидойи" (2003) асарлари ўзбек тилига ўгирилган. Шунингдек, "Севги инъоми" ("Вардан" - тўғри таржимаси "Инъом") романи Амир Файзулло таржимасида "Жаҳон адабиёти" журналининг 2009 йил 2–3-сонларида чоп этилди.

Ёзувчи нафақат романлар, кўплаб ҳикоялар ҳам яратган. Уларнинг бир нечтаси ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Жумладан, "Ювошлик"(1955), "Қамоқ" (1958) ҳикоялари "Шарқ юлдузи" журналида чоп этилган. 1962 йилда "Ёш гвардия" нашриётида "Меҳригиё" ва 1975 йилда "Адабиёт ва санъат" нашриётида "Бир келин ҳикояси" каби ҳикоялар тўпламлари нашр қилинган. Премчанднинг бир қатор ҳикоялари ҳинд ёзувчиларининг ўзбек тилига таржима қилинган асарлар тўпламларидан ҳам жой олган. Жумладан, "Ҳинд ҳикоялари"(1955), "Қизил гуллар" (1956) тўпламларидан Р.Тагор, Мулк Раж Ананд, Яшпал каби таниқли ҳинд ёзувчилари қаторида Премчанд ҳикоялари ҳам ўрин олган.

1958 йили "Ҳиндистон ёзувчиларининг ҳикоялари" номли тўплам ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Тўпламга Премчанд, К.Чандар, Хўжа Аҳмад Аббос, Яшпал, Разия Сажжод Заҳир, Дҳум Китту каби ёзувчиларнинг ҳикоялари киритилган.

Шунингдек, 1977 йилда нашр этилган "Оташ нафаслар" китобига Амир Файзулло таржимасида "Нажот йўли" ва "Икки ҳўкиз" ҳикоялари киритилган ва улар "Чироқ ёнар тун бўйи" (2006) асарлар тўпламида қайта чоп этилди.

Йирик адабиётшуносларнинг Премчанд ижодига бағишланган бир канча мақолаларини ҳам учратамиз. О.Коломейцевнинг "Премчанд – демократ ёзувчи" (1951), Елизарованинг "Ижодий камолот чўққиси" (1957) мақолалари босилган. 1976 йилда “Современная литература зарубежного Востока” тўпламида чиққан Л.В.Еремяннинг “Ганди и Премчанд” мақоласи ҳам аҳамиятга моликдир. Шунингдек, Ғафур Ғуломнинг 10 жилдлик “Асарлар” тўпламининг 8-жилдидан академик шоирнинг "Атоқли ҳинд ёзувчиси Премчанднинг ҳаёти ва ижоди" номли салмоқли мақоласи ҳам ўрин олган.

"Ўзбекистон миллий энциклопедия"сининг 7-жилдида Ансориддин Иброҳимовнинг Премчанд ҳақидаги мақоласи берилган.

Ҳозирда Премчанд ижоди бўйича кўпгина бакалаврлик ишлари, магистрлик диссертациялари ёзилган. Шунингдек, О.С.Полинова “Замонавий ҳинд романида реализм” мавзуида номзодлик диссертацияси ва бошқалар. Ушбу тадқиқотлар Премчанд асарларини кенг ва чуқур таҳлил этишга хизмат қилаёпти.

Премчанднинг “Севги инъоми” романи ҳозирда ҳиндий тилидан таржима қилинган романлар ичида энг янгиси ҳисобланади.

1.1 САТИ ҲИКОЯСИНИНГ БОШ ҒОЯСИ

“Сати” ҳикояси Премчанднинг ижтимоий масалага бағишланган реаалистик ҳикояларига киради. Ҳикоя оддий қишлоқ оиласи, эр хотин муносабатлари, аёл садоқати ва оиланинг муқаддаслиги ҳақида. Ҳикоя бежизга “Сати” деб номланмаган, чунки сати сўзининг лексик маъноси тўғри сўз, садоқатли деган маъноларни англатади.

“Сати” ҳикоясида аёл кишининг садоқати, эрига ва оиласига бўлган меҳри акс эттирилган. Аёл садоқати ҳикоянинг бош ғояси. Бу ғоя бир кичик қишлоқдаги эр-хотин ўртасидаги муносабат орқали очиб берилган. “Сати” ҳикоясидаги асосий масала рашк ва аёлга ишонмаслик. Ҳикоянинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Бир қишлоқда Мулйа исмли чиройли аёл Куллу исмли хунук бир йигитга турмушга чиққан. Куллунинг амакиваччаси Раж чиройли йигит. Мулйани ёқтиради. Куллу оддий ҳаёт кечириди. Раж пулдор, аёллар билан гаплашишни яхши билади. Бир инглизлар оиласида ишлайди.

Садоқат ғояси Куллунинг Мулйани Ражга рашк қилиши орқали очиб берилган. Раж Мулйага сари совға қилади. Мулйа ўйланиб ўйланиб сарини олишга қарор қилади, лекин эридан яширади. Кейин яна виждони қийналиб эрига тўғриси айтиб беради. Чунки, ўша куни Мулйа туш кўради ва тушида эри ўлиб қолган ва бунда уни айблашади. Уйғониб тушидан кўрқиб кетиб эрини уйғотиб қилган ишини айтиб беради ва қаттиқ пушаймонлигини айтади. Бу воқеа Куллунинг рашкини кучайтиради ва у жуда ўзгариб қолади, ичида сиқилади ва охири касал бўлиб қолади. Бу касаллик тузалмайди. Мулйа эрини сақлаб қолиш учун унга роса қарайди, ёнидан бир қадам ҳам жилмайди. Шунда Куллунинг шубҳаси йўқолади ва хотинидан кечирим сўрайди ва оламдан ўтади. Ражнинг хотини ҳам оламдан ўтади. Мулйанинг эри ўлганини эшитиб Раж яна Мулйани олдига келади ва бирга бўлишни

таклиф қилади, лекин эрига садоқатли бўлган Мулйа Ражни уришиб уйидан хайдаб юборади.

Ҳикояда Мулйа бир адашиб қариндош бўлгани учун ўша Ражнинг сарисини олган эди, лекин эрига бу ёқмаганини билиб минг пушаймон ейди ва ўзини оқлашга бор кучини сарфлайди. Чунки, у виждонли, эрига садоқатли, оилани муқаддас билувчи аёл эди. Бўлмаса эри ўлганидан кейин ўша пулдор, хотини ўлган чиройли Ражга турмушга чиқиши мумкин эди. Лекин, бу унинг виждонига тўғри келмайди.

Мулйа ҳинд жамиятидаги садоқатли аёл тимсоли сифатида тасвирланган. Бу садоқат унинг хунук ва оддий ҳаёт кечирадиган эри Куллу ва эрининг амакиваччаси чиройли ва пулдор Раж ва улар ўртасидаги рашк орқали очиб берилган.

1.2 “САТИ” ҲИКОЯСИНИНГ ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ

“Сати” ҳикоясидаҳинд жамиятидаги оддий қишлоқ оиласи мисолида садоқатли аёл ғояси кўтарилган. Бу ғояни очиб беришда ёзувчи учтагина образдан фойдаланган. Улар эрига садоқатли аёл Мулйя, унинг эри Куллу ва амакиваччаси Раж.

Мулйя ҳикояда бош образ. У чиройли аёл, унинг эри Куллу эса хунук эркак деб тасвирланган. Шу сабаб ҳикоянинг бошида Мулйяни бахтли аёл деб бўладими, деб ёзади ёзувчи. Мулйя тўғри сўз ва садоқатли аёл сифатида тасвирланган. Унинг тўғри сўзлиги ва садоқати ҳикоядаги воқеалар тасвирида кўзга ташланади. Мулйя ифбатли аёл бўлгани учун ўзининг хунук эридан бошқага қайрилиб ҳам қарамайди, масалан,

*“Ганв ме китне наожаван хенг жо мулйя се чхер кийа картехенг, магар уски назар ме бадсурат Куллу дунийа ке ҳар инсан се бехтар хе”.*¹

Таржимаси:

Қишлоқда қанча ёш йигитлар Мулйяга гап таишлайдилар, лекин унга ўша хунук Куллу дунёдаги барча инсонлардан яхши.

Мулйянинг садоқатига яна бир мисол, Раж Мулйяни жиғига тегадиган гапларни кўп гапирар эди, эрининг хунуклигини ҳам бир кун юзига солганида Мулйя унга шундай деб жавоб берган:

- *“Эк дин Раж не каха: Бхаи тумхаре кабил нахи хе”*
- *“Мулйя не фаоран жаваб дийа: Кисмат ме то вахи ликхе тхе”*
- *“Раж бола: Бхагван не бхи то галти ки хе”*
- *“Мулйя мускуракар боли: Анни галти ко вахи тхик карега”*²

Таржимаси:

Раж бир куни деди: акам сенга лойиқ эмас.

¹Премчанд. Сати. Б.

² Ўша асар, Б.

Мулйа шу заҳоти жавоб берди: Қисматимда у ёзилганда.

Раж деди: Худо ҳам хато қилганда.

Мулйа кулиб жавоб берди: Ўзини хатосини ўзи тузатади.

Лекин, Мулйа ҳам бошқа аёлларга ўхшаб чиройли сари кийишни, такинчоқлар тақишни истайди, лекин унинг эри Куллу топарман эмас эди. Бир амаллаб рўзғорни тебратишар эди. Бир куни Раж қандайдир байрам баҳонасида Мулйага у ёктирадиган сарини олиб келади ва унга совға қилмоқчи бўлади. Мулйа совғани олишни ҳам билмайди, олмасликни ҳам. Ахири анчадан бери орзу қилган сариси бўлгани учун совғани Раждан олади. Эри Куллу сарини кўриб қолмаслиги учун уни яшириб қўяди. Куллу уйга қайтганида Ража келганини билади ва уни бу ерга нима учун келганини сўрайди. Мулйа тамаки сўраб келибди, дейди. Куллу Мулйани ёлғон гапираётганини билиб, бизникида тамаки йўқлигини у билади, мен доим ундан тамаки оламан, нега ёлғон гапираяпсан, деб хотинини урушади. Лекин, Мулйа тўғриси айти олмай, мен буни қаердан билай, тамаки борми деб сўради, мен йўқ дедим, кейин у кетди, дейди. Куллу ишонгандек бўлади. Лекин, Мулйа аслида садоқатли, тўғри сўз аёл бўлгани учун ўзининг қилган бу ишидан виждони қийнала бошлайди ва чидай олмай кечкурун эрига қилган ишини тўғриси айтиб беради. Шунда эри қаттиқ хафа бўлиб, худо мени хунук яратган бўлса, менда нима айб, деб юзини хотинидан буриб олади. Шу шу Куллунинг чехраси умуман очилмайди, камгап бўлиб қолади. Баъзан овқатланиш учун уйга ҳам келмайди. Бир қанча вақт ўтиб Куллу касал бўлиб қолади, унинг иситмаси тушмайди, бир неча кундан кейин баданига тошма тошиб ярага айланади. Уни роса даволайдилар, хотини жуда яхши қарайди, ювинтиради, кийинтиради, овқатлантиради, дори берали, доим ёнимда ўтиради. Энди оилага пул топиш ҳам, уни харажат қилиш ҳам, касал боқиш ҳам Мулйанинг бўйнида эди. Мулйа роса чарчар эди, лекин эрига билдирмай ҳамма ишни ўзи бажарарди. Шу билан ўзини эрига бўлган садоқатини кўрсатади ва қилган гуноҳини ювмоқчи бўлади.

Мулйанинг садоқатини унинг ҳар бир қилган иши, ўйлаган фикрларида кузатиш мумкин. Агар жамиятда учраб турадиган феъли ёмон аёллар билан солиштирсак уни яхши кўрган инсон турганида бундай касал ва инжиқ эрини ташлаб кетиши ҳам мумкин эди, лекин Мулйага бундай характер хос эмас. У хаёлида ҳам доим эрига садоқатли бўлиш ҳақида ўйлайди. Хаттоки тушида ҳам эрини алдашни раво кўрмайди. Эри ҳақида ўйлайвеганидан хаттоки тушига ҳам кириб чиқади.

Мулйа эрини алдаган куни бир туш кўради. Тушида эри ўлиб ётган бўлади. Раж эса уларнинг уйига кириб Мулйани қўлидан тортиб уни олиб кетмоқчи бўлади. Буни кўрган қўшни аёл Мулйага қараб эрингни сен ўлдиргансан, дейди. Мулйа йиғлаб йиғлаб: мен уни ўлдирмадим, деса, қўшни аёл сен уни пичоқсиз сўйдинг, ўз қилмишинг билан ўлдирдинг, дерди. Шу тушни кўрганидан бошлаб Мулйанинг виждони қийнала бошлайди ва у эрига сари ҳақида тўрисиини айтиб беришга қарор қилади. Ўзи касал бўлгани учун хотинидан хавортир олиб уни доим рашк қиладиган эри Раж ҳақида эшитиб Куллуга бу қаттиқ таъсир қилади ва дарров ёмон фикрга боради ва хотинидан бундай ишни кутмаганлиги учун ўша кундан бошлаб бутунлай ўзгариб қолади, Мулйа билан гаплашмайди, ҳеч кулмайди, очилмайди. У эр бўлиб буриб Мулйага олиб бера олмаган сарини Раж совға қилганини ва бу сарини хотини олганини эшитганида унинг ҳаётга қизиқиши умуман қолмайди:

“Куллу ус дин се кучх кхойа кхойа са рехне лага. Зиндаги ме на во шоқ раха, на маза. Хансна болна гойа бхул гайа. Vox гхар аб ус ке лийе сирф утхне бетхне ки жагах тхи, аор Мулйа сирф кхана паканевали машин”.³

Таржимаси:

Куллу ўша кундан бошлаб хаёлчан бўлиб қолган. Унда ҳаётга қизиқиш ҳам, завқ ҳам йўқ эди. Гапириш, кулишни гўёки унутган. Бу уй энди унинг

³Ўша асар, Б..

учун ўтириб турадиган бир жой. Хотини эса овқат тайёрлайдиган бир машина.

Касал эрининг бу ҳолатга тушишгига албатта Мулйа ҳам айбдор. У ўзининг содда ва гўллиги билан Раж берган сарини иккиланса ҳам олади ва уни китйиб Ражга кўрсатади. Мулйа ҳикояда енгилтак аёл деб характерланадиган ҳеч қандай ёмно иш қилмайди. Лекин соддалиги билан сарини кўриб ўзини йўқотган Мулйа ичкарига кириб Раж берган сарини иккиланса ҳам олади ва уни кийиб Ражга кўрсатади, Раж эса уни бу сарида кўриб яна ҳам яхши кўриб кетади ва унга хушомат қилади:

*“Мулйа не андар жакар чандри пехан ли. Аор пхул ки тарах махакти дамакти бахар айи. Ражса не баж пакарне ко хатх бархакар каха: Эйса жи чахта хе ки тумхенг лекар кахин бхаг жаун”.*⁴

Таржимаси:

“Мулйа ичкарига кириб сарини кийиб чиқади. У гулдек очилиб кетганди. Буни кўрган Раж қўлини у томонга чўзиб унга шундай дейди: “сени олиб узоқларга қочиб кетсам”.

Мулйанинг бу хатти-харкати албатта енгил табиат аёлларга хос, лекин Мулйанинг хаёли чиройли сарига кетиб қолиб, ўзи нима қилганини англамай қолади. Раж унга хушомат қилганидан кейингина қилган иши нотўғри эканлигини тушуниб етади ва дарров ўзини тутиб олади.

Куллу образи ўзига хос образ. Куллу Мулйанинг эри. У ҳам садоқатли эр. Ўзи хунук бўлса ҳам қишлоқда энг чиройли қизга уйланган, шу сабаб хотинини кўпчиликдан рашк қилади, уни кўчага ҳам чиқишига руҳсат бермайди. Агар бирон бир эркакунга кўз олайтирса, жони пони чиқиб кетади. Амакиваччаси Ражани жуда ёмон кўради. Чунки, у ҳам чиройли, ҳам бойвачча. Хотинини йўлдан уриши мумкин деб ўйлайди. Ҳақиқатан ҳам Раж

⁴ Ўша асар, -Б. 3

Муљйани ёқтирар эди, доим Куллу ишга кетганида Муљйадан хабар олиш бахонасида уларникига келиб турарди. Куллу Раждан бекорга рашк қилмасди. Чунки унда енгилтаклик бор эди. Муљйага у сари совға қилганидан кейин Муљйанинг тинчи бузилди. Эрининг хотинидан кўнгли совиб кетди. Хотини эрини қандай қилиб бу ҳолатдан чиқаришни билмай қийналарди. Эри ўша воқеани унутишини истарди, шунга ҳаракат қилиб Куллуни хурсанд қилиш учун унга чин дилдан роса хизмат қилади, турли гаплар гапиради, лекин ҳеч фойдаси бўлмади. Уни ҳолатини кўриб роса виждони қийналарди. Бундан аксинча, Куллунинг дилидаги яраси кучайиб борарди. Бир яхшилик шу бўлдики, Ража ишлайдиган инглизлар оиласи бу қишлоқдан кўчиб кетади ва Ража ҳам улар билан бу ердан кетган эди. Бўлмаса икки амакивачча бир бирини пичоқлаб қўйиши мумкин эди. Куллу фақат касал бўлиб ётиб қолганидагина хотинининг садоқатини ҳис қилади ва ундан бекорга шубҳаланибман деб, хотинидан кечирим сўрайди. Агар тузалиб кетсам Муљйани бошимга қўяман, деб ичида афсус ҳам қилади. Эри Муљйанинг бу хизматларини кўриб унинг садоқатига ишона бошлайди ва бир куни ёнида ўтирган Муљйага қараб шундай дейди:

*“Муљйа, мене пичхле жанам ме бхари тап кийа тха ки тум муже мил гайи. Агар тумхари жагах дунийа ка раж бхи миле то на лун”*⁵

Таржимаси:

Муљйа мен аввалги туғилганимда роса дуо кўп қилган бўлсам керак, сендек аёл учраган. Хозир сенинг ўрнинггга шохни беришса ҳам олмаган бўлардим.

Лекин, эрининг касали кундан кун кучайиб боради, ҳеч қандай дори таъсир қилмайди ва у оламдан ўтади.

⁵Ўша асар, Б.

Куллу ўз аёлини ҳурмат қилади, унга ишонади, лекин ўзи хунук ва касал бўлгани учун у рашк ўтида ҳам ёниб турарди. Ҳикояда бундай ҳолатлар бир неча марта тасвирланган. Масалан,

*“Куллу Мулйа ко бахар никалне нахи дета. Ис пар киси ки назар бхи пар жайе – Куллу йех бардаш нахи кар сакта...”*⁶

Раж Куллунинг амакиваччаси. Ўзига тўқоиладан. Бир инглизлар оиласида ишлайди. У келишган, аёллар билан гаплашишни жуда яхши билади. Бунинг устига Мулйани яхши кўрган. Мулйага доим эринг сенга мос эмас, сен чиройлисан деб такрорлайверади. Унга совғалар қилгиси келади ва бир куни байрамни баҳона қилиб унга ёқадиган сари ҳам кўтариб келади ва Мулйага олишини илтимос қилади. Бундан кўриш мумкинки, Раж енгилтак эркак. Ўз амакиваччасининг аёлига ҳам кўз олайтиради. Уни турли совғалар билан йўлдан уришга ҳаракат қиладиган, қариндош уруғчиликни ҳурматини билмайдлиган инсон сифатида тасвирланган. Унинг енгилтаклиги яна шунда кўринадики, қишлоққа бир хабар олгани келганида Куллунинг касал деб эшитиб хурсанд бўлади ва дарров Мулйани олдига боради. Мулйа ошхонада эрига овқат пишираётган эди. Раж унга қараб,

*Бхабхи аб то мери умид пури кароги йа аб бхи кучх аор бақи хе аб то бхайа бхи нахи рахе. Идхар мери гхарвали бхи мар гайи. Мене то ис ка гам бхула дийа. Тум каб так бхаййа ке нам ко роти рахоги.*⁷

Таржимаси:

Кеннойи энди менинг орзуимни амалга оширасизми ёки халиям нимадир баҳона қиласизми. Мана энди акам ҳам йўқ. Менинг аёлим ҳам оламдан ўтди. Мен уни унутиб бўлдим. Сиз қачонгача акамни номини эслаб йиглаб юрасиз.

Лекин, Мулйа унга қайрилиб ҳам қарамайди ва уни хайдаб юборади. Раж Мулйага олиб келган гулини кўтариб чиқиб кетади.

⁶ Ўша асар, Б.1

⁷ Ўша асар, Б.

Ражнинг Мулйага нисбатан кўз олайтигани ва унинг нияти яхши эмаслигини қуйидаги жумладан ҳам билиш мумкин:

– *“Ража: ус се пучхне ки конси бат хе? Жаб вох кам пар чале жайе пехан лена. Ме бхи декх лунга”.*

– *“Мулйа хансти хуи боли: Йех на хога девар жи, кахин декх лен то мера хал кйи хога. Усе ту лете жао”*

Таржимаси:

- Ража: ундан сўрашнинг нима кераги бор. Ишга кетганида кийиб кўр. Мен ҳам кўриб оламан.
- Бундай қилмайман. Билиб қолса менинг холим нима кечади. Сен буни ўзинг билан олиб кетавер.

Юқорида сарини кийиб кўргани унинг соддалигин билдирса, бу жумладаги унинг қатъий фирклари эрига бўлган садоқатини, аслида яхши аёл эканини яққол кўрсатади.

Мулйа ўз қилган ишидан роса хаяжонланиб виждони қийналади. Умрида ёлғон гап гапирмаган Мулйа Куллу нега келибди, деб аёлидан сўраганида кўрққанидан ёлғон гапириб юборади:

- *Куллу не пучха: “аж Раж кйа карне айа тха?”*
- *Мулйа ка бадан канпне лага. Бхана карке боли: тамбаку мангне айе тхе?*
- *Куллу не нак сакоркар каха: “усе андар мат ане дийа каро. Ачча адми нахи хе?”.*

Таржимаси:

- Куллу сўради: Раж нега келибди?
- Тамаки сўраб келибди.

– Куллу бурнини бужмайтириб деди: Уни ичкарига киритма, яхгши одам эмас.

Бу жумлада бир томондан, Мулйанинг ўз ёлғонидан виждони қийналаётгани кўринса, иккинчи томондан Куллунинг Раж ҳақидаги салбий фикри ва у туфайли рашки қўзғаганини кузатиш мумкин.

Демак, ҳикояда Мулйа образи орқали ҳинд аёлининг эрига, ўз оиласига бўлган садоқати очиб берилган. У ҳар қандай ҳолатда ҳам, эри тирикми ёки оламдан ўтганми, эрига, оиласига садоқат билан қолади. Доим тўғри сўзлайди. Умрида бир марта ёлғон гапирганди, унга ҳам виждони йўл қўймайди ва гапнинг тўғриси эрига айтиб беради. Мулйанинг садоқати эри Куллуга ва қариндошларига бўлган муносабатида ва енгилтак эркак сифтида тасвирланган Ражга бўлган муносабати орқали аниқ очиб берилган.

1.3 “Сати” ҳикоясида эр-хотин муносабатлари

Премчанднинг “Сати” ҳикоясида эр-хотин муносабатларига ҳам ўрин берилган. Унда ҳикоя бош қаҳрамони Мулйанинг ўз эрига садоқати билан бирга бир енгил табаит инсоннинг енгил хатти-ҳаракати билан эр-хотин ўртасига катта совукчилик тушади. Мулйа, аслида, ҳеч қандай ёмон иш қилмаган, унинг айби ўзи орзу қилган сарини олиб келган кўшниси Ражнинг кўлини қайтармасдан, сарини бир кийиб кўриш иштиёқида ёниб, ўзи билмаган ҳолда сарини кийиб Ражга кўрсатади. Бу эса Мулйага хос бўлмаган хатти –ҳаракат эди. Айнан шу иши уни бутун маҳаллада ва ўзи яхши кўрган эри олдида обрўсини тушириб, бутун умрга виждон азобида қолишига сабаб бўлади.

Куллу билан унинг аёли ўртасидаги муносабатга биринчи марта Раж туфайли совукчилик тушганди. Куллунинг аёли чиройли бўлгани учун эри уни доим рашк қилиб келарди. Куллу касал бўлиб колганидан кейин яна ҳам инжик бўлиб, аввалгидан ҳам рашки кучайиб кетган эди. Ражанинг бемалол уларнинг уйига кириб хотини билан гаплашгани Куллунинг руhini бутунлай синдиради. Ражнинг ташрифи эр хотин ўртасига катта низо солади. Куллу Мулйадан Ражнинг уни уйига нима учун келганини сўраганида, Мулйа ёлғон гапиришга мажбур бўлади, Раж эса хотини ёлғон гапираётганини сезиб, буни унга билдиради, эр хотин ўртасидаги Раж билан боғлиқ суҳбатда Куллунинг хотинига ишонмаганлигини кузатиш мумкин:

-Мулйа: ме не кех дий тамбаку нахи хе, то чале гайе.

-Кйон жхут болти хо? Вох тамбаку мангне нахи айа.

-Мулйа: То яхан кйа карне айе тхе?

-Куллу: аор киси кам се айа хо.Магар тамбаку мангне нахи айа. Вох жанта тха мере гхар ме тамбаку нахи хе.ме тамбаку ке лийе кхуд хи ус ке гхар гайа тха.

Таржимаси:

-Мулйа: мен сигарет йўқ дедим, кейин у кетди.

-Нега ёлгон гапираяпсан. У сигарет сўраб келмаган.

- унда нима учун келган?

-Куллу: бошқа бир иш билан келган, лекин сигарет учун эмас. Чунки менинг уйимда сигарет йўқлигин у билади, чунки мен ўзим ундан сигарет сўраб боргандим.

Ҳикоядаги эр хотиннинг бу суҳбати улар ўртасига низо тушганини кўрсатади. Рашк билан яшайдиган Куллу энди ўз хотинига умуман ишонмайди, чунки у ёлгон гапирди. Мулйа ҳам умрида биринчи марта бир бегона киши билан гаплашиб, у берган сарини кийиб кўриб, бутун умр қилган садоқатини йўққа чиқарди. Унинг виждони қийналарди, ўзи билан ўзи гаплашиб, айби йўқлигини ўзигача таҳлил қиларди, лекин энди фойдаси йўқ эди:

“Мулйа сўчне лаги: Бхагван не муже йех хусан кйон дийа? Йех руп на хўта тў Ража кйон мере пичхе парта аор кйўн аж мери йех халат нахи хоти. Ме кали аор бадсурат хокар ус се кахин зийада сукхи хўти.”

Тажимаси:

Мулйа ўйларди: Худо нега менга бу хусни берган? Агар чиройли бўлмаганимда Раж ҳам мени кетимга тушмасди ва бугунги ҳолатим бўлмасди. Ундан кўра қоп қора ва хунук бўлганимда бахтлироқ бўлган бўлардим.

Демак, Мулйа ҳақиқатан ҳам қилган ишидан афсусда, Куллунини у яхши кўради, лекин ҳаётида қилган бир хатоси уни бугун бахтсиз ва ёмон аёлга айлантирганди.

Куллу ўша кечаси хотинининг қилган ишидан қаттиқ ҳақоратланиб, касали баттар кучайиб оламдан ўтади. Шу пайт уларникига кириб қолган бир қўшни аёл Мулйага қараб бақириб кетади:

-Бурхи аорат кехти хе: ту не Куллу кўкйон мар дийа?

- Мулйа рў рўкар жаваб деди хе: ме не усе нахи мара.

- Бурхийа не жаваб дийа: Ха, ту не унхенг чхури ктар се нахи мара, лекин дага катар се зийада қатил тхи.

Таржимаси:

- Қария аёл дерди: сен уни нега ўлдирдинг?

- Мулйа йиғлаб унга жавоб берди: мен уни ўздирмадим.

- Ха тўғри, сен уни пичоқ билан ўлдирмадинг, лекин қилган қилмишинг билан ўлдирдинг.

Қўшни аёлнинг бу аччиқ гаплари Мулйанинг виждонини яна баттар қийнади. У эрининг кўкрагига бош қўйиб дод солиб йиғларди.

ХУЛОСА

Премчанд XX аср ҳинд адабиётининг энг йирик намояндаси. У ҳинд адабиётиривожига ўзининг кўпгина насрий асарлари билан жуда катта ҳисса қўшган. Премчанд романлар ҳам, ҳикоялар ҳам ёзган. Лекин, у кўпроқ ҳикоячиликни ривожлантирган. Премчанд ҳикояларида оддий халқнинг ҳаётини тасвирлаган, унинг ҳикояларининг образлари деҳқон, уй бекаси, ишчи ёки хизматкорва бошқа шу каби жамиятнинг оддий вакиллари бўлган.

Премчанд XX асрнинг реалист ёзувчиларидан, Ҳиндистон Миллий Озодлик Ҳаракати иштирокчиларидан эди. Премчанд ижоди жуда бой ва сермахсулдир. Ёзувчи ижодий ҳаёти давомида 13та роман ва повесть, 300га яқин ҳикоялар ёзган. У ҳиндий ва урду адабиётида танқидий реализм йўналишида ижод қилишни бошлаб берган адиб ҳисобланади.

Премчанднинг асарлари кўпгина ғарб ва шарқ тилларига таржима қилинган. Унинг бир қанча роман ва ҳикоялар тўплами ўзбек тилига ҳиндий, урду ва рус тилларидан таржима қилинган. Премчанд ижоди жуда бой ва сермахсулдир. Ёзувчи ижодий ҳаёти давомида 13та роман, бир қанча повестлар ва 300га яқин ҳикоя ёзганлиги маълум.

“Сати” ҳикояси Премчанднинг ижтимоий муаммога бағишланган реалистик ҳикояси. “Сати”да оддий ҳинд оиласининг ҳаёт тарзи, аёл кишининг характери, оилага бўлган муносабати очиб берилган. Ҳикояда бош қаҳрамон бўлган Мулйа ҳинд жамиятидаги кўпгина қишлоқ аёлларининг характерининг ёрқин намунаси сифатида кўрсатилган. Ҳикояни ўқиган ўқувчи ҳинд жамиятининг ўзига хос хусусиятлари, жамият аъзоларининг бир бирига, оилага бўлган муносабати ҳамда қариндош уруғчиликнинг ўрни, яхни ва ёмон инсон характери ўртасидаги фарқни аниқ очиб берган.

Премчанд “Сати” ҳикояси образлари орқали жамият аъзоларининг саводсизлигини шу туфайли аёллар қийналаётганини кўрсатиб беради. Бу

ҳикояда Мулйа ва унинг тўғрисиўзлиги ва сдоқатлилигини ёзувчи намуна қилиб кўрсатади. Ражга ўхшаган енгилтабиат қариндошнинг қилган ишларига ўқувчида ҳикоя давомида салбий муносабат шаклланади.

Демак, Премчанднинг “Сати” ҳикояси орқали ёзувчининг ҳақиқатан ҳам реалистик ёзувчи бўлганлиги ва унинг учун оддий халқнинг муаммоси ижодининг асосий муаммоси бўлганлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Премчанд. Колодец Тхакура. –М., 1955
2. Премчанд. Ратный путь. Рассказы. –М., 1969
3. Полинова О.С. Реализм в современном индийском романе. –М., 1984
4. Рассказы индийских писателей. –М., 1972.
5. Сухочёв А.С. Кришан Чандар. М., 1983.
6. Оташ нафаслар» тўплам. Т., 1977.
7. Ходжаева Т.А. Ҳиндистон халқлари адабиёти. – Тошкент, 2010
8. Челышев Е.П. Индийская литература вчера и сегодня. –М., 1989